



Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Аллоҳ таолога ҳамду санолар, Расулимиз Муҳаммад Мустафога салоту саломлар бўлсин!

Минг шукрки, Муфасссал тажвид асарининг иккинчи нашри ҳам муяссар бўлиб турибди. Каминанинг Куръони Карим хизматига оз бўлса-да хисса кўшиш бахтига эришишимда Падари Бузрукворим Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф хазратларининг хизматлари асос бўлган.

Шайх хазратларининг Куръони Каримга ва Куръон аҳлига муҳаббатлари бекиёс эди. Доим Куръони Карим тиловатини эшитиб юришлари, корию хофизларга бўлган эҳтиромлари ҳам шундан эди. Бу буюк муҳаббатнинг натижаларидан бири менинг

Куръон хофизаси бўлишимдир.

У киши, аввало, ўзларининг соф ниятлари, ихлослари, Аллохнинг каломига бўлган мухаббатлари ва дуолари ила Куръони Каримни ёд олишимизга туртки бўлганлар.

Илк саводим хазратининг ўз кўлларида чиқди. Кейинчалик Саудия Арабистонида, Либияда истикомат қилган кезларимиз у киши бизни «Тахфизул-Куръонга» бердилар.

Киблагохим қанча ўқиганимни ва қаерга келганимни тез-тез сўраб турардилар. У кишининг хурсандчиликларини кўриб ёдлаш учун ўзимда қуч, гайрат ва шижоат топардим.

Миср Арабистонида Куръони Карим тиловатидан ижоза олишим, аввало, Аллох таолонинг фазл қарами ила, қолаверса, хазратининг тавсиялари, тарғиблари ва дуолари билан бўлди. Ватанга қайтганимдан бир муддат ўтиб у кишига тажвид илмига оид бир китоб таълиф қилиш ниятим борлигини айтганимда жуда хурсанд бўлдилар ва маъқулладилар. У кишининг таважжухлари, маслахатлари билан ишга киришдим.

Аллох ирода қилган пайтда «Муфассал тажвид» китоби дунёга келди. Бу китоб хазратининг назарлари тушган илк асарим эди.

Не ажабки, иккаламизнинг сўнгги суҳбатимиз ҳам айнан мана шу китоб хақида бўлди. Ўша қуни одатдагидек зиёратларига кирганимда у киши:

«Муфассал тажвид» нима бўлди?» деб қолдидлар.

«Яхши. Одамлардан ташаккурлар қеляпти. Аммо нашрда хатолар кетиб қолибди», дедим.

«Канака хатолар? Маълумотлардами?» дедилар.

«Йўк, алхамдулиллах. Маълумотлар тўғри, имловий хатолар», дедим.

«Унда қайта таҳрир қилиб, зудлик билан хатоларни тўғрилаш керак. Такдимотини катта қилиб ўтказамиз», дедилар.

«Ким такдим қилади?» дедим.

«Хусайнхон қори да», дедилар.

«У кишининг узри борку?» (оёқлари гипсда эди) дедим.

«Қўтариб бўлса ҳам, олиб келамиз, ўзи ўтказиб беради», дедилар.

Кейин акам Исмоил Мухаммад Юсуфга кўнгирок қилиб, китобни қайта таҳрир қилишни, такдимотни яхшилаб ўтказиш кераклигини каттик тайинладилар. Котиблари Фозилжонни чақириб, у кишига ҳам айна гапларни айтдилар. Сўнгра бу иш хайрли бўлишини сўраб ҳақимга дуо қилдилар. Бу илтижо ҳазратимнинг мен учун қилган охириги дуолари бўлди.

Булар ўша мусибат куни – 2015 йил 10 март куни бўлган гаплар эди.

Ҳазратим умрларининг охириги кунида ҳам дин, илм қайғусида бўлдилар. Юқоридаги суҳбат ана шундай хусни хотимага ёрқин далилдир.

Шундан кейин биз бу ишни Хазратимиздан васият бўлиб колди, деб билдик. Хали фиروق аламлари аримай туриб, китобни қайта тахрир қилишга киришдик. Бу ишни Хусайнхон қори ва Барнохон Саидрахмон билан бирга тезда амалга ошириб, керакли жойга топширдик. Олдинги нашрда ўтиб кетган айрим хатолар тузатилди.

«Муфассал тажвид» кичик бир меҳнатдир. У илк илмий асар, бундай асарлар одатда содда ва оддий, ёзувчиси кўп ҳам тажрибага эга бўлмагани учун камчиликли бўлиши табиий. Аллох таоло тавфик бериб қиблагохим йўлларида бориб насиб қилса, хали кўп таълифлар қилишга ва янада муҳим мавзуларни ёритишга, катта-катта китоблар соҳиббаси бўлишга умидим бор. Аммо мен учун, барибир, энг қимматли ва қадрли асар «Муфассал тажвид» бўлиб қолаверади. Чунки унга хазратимнинг муборак назарлари тушган ва унда хазратимнинг бебаҳо тақдимлари бор.

Мана, Аллох таолонинг марҳамати билан бугун китобнинг иккинчи нашрини тақдим қилмоқдамиз. Хазратимнинг васиятлари рўёбини қўрар эканман, аввало, бу буюк олимнинг ҳақларига дуои илтижолар қиламан. Ушбу кичик меҳнатни у киши номларидан садакаи жория деб ният қилдим. Мазкур асарнинг ҳар бир ўқувчисидан хазратимиз учун дуо қилишларини сўраб қоламан.

Фурсатдан фойдаланиб «Муфассал тажвид» нинг мукамал кўринишга келгунига қадар хизматдан ўз хиссаларини қўшган барча азизларимизга, ношир, муҳаррирлар, техник ходимлар, босмаҳона ходимлар (яна қимлар бўлса) ҳамма-ҳаммаларига ташаккурлар изҳор қиламан. Ҳақларига дуоу хайрдаман.

Шунингдек, бугунги тақдимотимизда иштирок этганларга ҳам ташаккур, Аллох таоло барчаларингизга икки дунё саодатини берсин. Омин!